

**ҲУҚУҚБУЗАРЛИҚДАН ЖАБРАНГАН ШАХСЛАРНИ ИЖТИМОЙ  
РЕАБИЛИТАЦИЯ ҚИЛИШ ВА ИЖТИМОЙ МОСЛАШТИРИШ ФАОЛИЯТИНИ  
АҲАМИЯТИ БЎЙИЧА ИЛҒОР ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ**

**Саъдуллаев Ғиёс Шухрат ўғли**

*Ички Ишлар Вазирлиги Академияси 3-босқич курсанти, сафдор*

**Аннотация:** Ушбу мақолада ҳуқуқбузарликлар профилактикасида ижтимоий реабилитация ва ижтимоий мослаштириш чора-тадбирлари тушунчаси ва мазмуни, ижтимоий реабилитация ва ижтимоий мослаштириш чора-тадбирларини амалга оширилишининг бугунги кундаги ҳолати, ҳуқуқбузарликлар профилактикасида ижтимоий реабилитация ва ижтимоий мослаштириш чора-тадбирларини такомиллаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари ёритилган. Шу билан биргаликда ҳуқуқбузарликлар профилактикасида ижтимоий реабилитация ва ижтимоий мослаштириш чора-тадбирлари доирасида қўлланиладиган процессуал ҳужжатлар, ушбу фаолиятдаги муаммо ва камчиликлар ҳамда уларни бартараф этиш борасида таклиф ва тавсиялар, шунингдек, ҳуқуқбузарликлар профилактикасида ижтимоий реабилитация ва ижтимоий мослаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш бўйича хорижий давлатларнинг тажрибаси ва уларнинг миллий қонунчилигимиздан фарқли ва ўхшаш томонлари таҳлили ёритилган.

**Калит сўзлар:** ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, ижтимоий реабилитация ва ижтимоий мослаштириш, процессуал ҳужжатлар, такомиллаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари, миллий қонунчилигимиздан фарқли ва ўхшаш томонлари.

### **КИРИШ**

Мамалакатимизда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар қонун устуворлигини таъминлаш, ҳуқуқ тартиботни мустаҳкамлаш ва жиноятчиликка қарши курашишда муҳим аҳамият касб этиб келаётганида кўришимиз мумкин. Жамиятда тинчликни таъминлаш, фуқороларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларни ҳар қандай тажовузлардан ҳимоя қилишда юқори самарадорликка эришиш учун истиқлол йилларида ички ишлар органлари тизимини чуқур ислох қилиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Шу жумладан ижтимоий реабилитация қилиш ва мослаштириш учун ёрдам кўрсатувчи ихтисослаштирилган муассасалар ҳуқуқбузарликлардан жабранувчиларга ва жазони ижро этиш муассасасидан озод қилинган шахслар ҳуқуқий, ижтимоий, психологик, тиббий, педагогик ва бошқа турдаги ёрдам кўрсатадилар. Ҳуқуқбузарликлардан жабранувчиларга ва жазони ижро этиш муассасасидан озод қилинган шахслар ёрдам кўрсатишда ижтимоий

реабилитация қилиш ва мослаштириш учун ёрдам кўрсатувчи ихтисослаштирилган муассасалар билан ҳамкорлиги муҳим аҳамият касб этади. Бу институт нафақат Ўзбекистон Республикаси балки чет эл амалиётида ҳам турли кўринишларда мавжуд.<sup>271</sup>

Жиноят содир этишнинг сабаблар занжирида ҳуқуқбузарликдан жабрланганлар ва жазони ижро этиш муассасасидан озод қилинган шахсларни жиддий роль ўйнайди, деган ғоя янги эмас, у кўп сонли адабий манбаларда ва ҳуқуқ ижодкорлиги ёдгорликларида ўз аксини топган. Лекин унинг муайян даражада ифодали талқинига XVIII аср мутафаккирларининг асарларида дуч келиш мумкин.

### АСОСИЙ ҚИСМ ВА ТАДҚИҚОТЛАР

Ҳуқуқ фанининг мумтоз даври намоёндаларидан бири Иеремия Бентам (1748-1832) криминологияга ҳуқуқбузарликдан жабрланганлар ва жазони ижро этиш муассасасидан озод қилинган шахсларни **реабилитация қилиш ва мослаштириш** назарда тутувчи нормаларни киритишни таклиф қилган. Бу ҳуқуқбузарликдан жабрланганлар ва жазонт ижро этиш муассасасидан озод қилинган шахсларни янада тезроқ ҳаётга қайтариш имконини беради, деб ҳисоблаган. Ижобий ҳуқуқ йўналишининг вакили Раффаэль Гарофало (1852-1934) ҳам жабрланувчиларва ҳуқуқбузарни **реабилитация қилиш ва мослаштириш орқали ижтимоий** ҳимоя қилишни янада кучайтириш воситаси сифатида қараган (туринлик бу судья «криминология» атамасини биринчи бўлиб илмий муомалага киритган)<sup>272</sup>.

Немис криминологи Сара Маржора Фрай (1894-1958) тадқиқотларининг диққат марказида жиноятчини ундан жабрланган шахс билан яраштириш, яъни жамиятда тартиб ва тотувликни барқарор этиш муаммолари турган.

**Ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш** муаммоси ва жиноятларнинг олдини олишда унинг аҳамияти масалалари Шарқ, Ўрта Осиё ва айниқса, Ўзбекистон халқларининг тарихий ҳуқуқий ёдгорликларида ва феодал тузуми суд органларининг қарорларида муҳим ўрин эгаллайди.

Лекин жиноятчиликнинг муҳим омили ва криминологиянинг таркибий қисми сифатида **ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш** фақат XX асрнинг биринчи ярмида тизимли равишда тадқиқ қилина бошланди. Одатда бу адабиётларда 1948 йил «Жиноятчи ва жабрланувчи» деб номланган катта ва махсус илмий тадқиқотни эълон қилган немис олими Ганс фон Гентинг номи билан боғланади. Ўз тадқиқотида у ўқувчилар эътиборини ҳуқуқбузарликдан жабрланганлар ва жазони ижро этиш

<sup>271</sup> Nishimura K. On the Nagasaki Beat: the Art of Community Policing (Look Japan. 1997, March).

<sup>272</sup> Криминология дарслик .Зарипов.С.З. таҳрири остида .Т-2007. 58-67-бет.

муассасасидан озод қилинган шахсларни ҳаётга қайтариш омили сифатидаги **реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштиришга** қаратади. Гентинг, шунингдек жиноятчиликни зарар етказувчи ва ундан жабрланувчи ўртасидаги муайян ўзаро муносабатлар сифатида тушуниш ғоясини илгари суради. Унинг фикрига кўра, жабрланувчилар тўғрисида тўпланган маълумотларга асосланган ҳолда жиноятчи ва жабрланувчи ўртасидаги муносабатларнинг муайян типларини ажратиш мумкин, бу муносабатлар эса жиноят билан узвий боғлиқдир. Бу эса содир этилган жиноятни нафақат таҳлил қилишни, балки унинг бўлажак ҳуқуқбузар ва жабрланувчилари ҳақида муайян прогнозлар тузишни ва ҳатто латент (яширин) жиноятчиликнинг ҳолатини аниқлашни тақозо этади.<sup>273</sup>

Шунингдек адабиётларда **реабилитация қилиш ва мослаштириш** тушунчасига кўп маротаба тўхталиб ўтилган ва олимлар бу тушунчани турлича талқин қилишади. Хусусан, Л.В.Франк фикрига кўра, реабилитация бу муайян шахснинг ўз ижтимоий роли, жисмоний ва маънавий фазилатлари ва хислатларига кўра муайян ҳолатларда «қайта тиклаш», яъни ижтимоий, педагогик, тиббий тикланиш қобилиятидир.

Юқорида келтирилган манбалардан кўриниб турибдики, «**реабилитация**» тушунчасига таъриф беришда ҳуқуқбузарликдан жабрланганлар ва жазони ижро этиш муассасасидан озод қилинган шахсларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳал қилувчи ва бирдан-бир мезон бўлиб хизмат қилган. Бундан ташқари, одамнинг ҳолати «қобилият» сифатида нотўғри тавсифланган<sup>274</sup>.

Ҳуқуқшунос олим А.П.Камишников фикрича бошқарувнинг асосий шаклларида бири хамкорлик ҳисобланиб, одамларнинг жамоатчилик асосидаги ёки хамкорликдаги фаолиятининг асосий шартларидан бири сифатида келишиш масаласини илгари сурган.<sup>275</sup>

Ўз-ўзидан равшанки, криминологияда жиноятдан ҳуқуқбузарликлардан жабрланувчиларга ва жазони ижро этиш муассасасидан озод қилинган шахсларни ўрганишнинг предметида оид тор мақсади жиноий хулқ-атворнинг индивидуал механизмида ушбу шахсларнинг роли ва аҳамиятини, жиноий вазиятнинг юзага келиши ва ривожланишига ҳуқуқбузарликлардан жабрланувчиларга ва жазони ижро этиш муассасасидан озод қилинган шахслар қўшган «ҳисса»ни аниқлашни назарда тутаяди, бунинг учун эса жабрланувчининг шахси ҳақида, шунингдек унинг жиноят содир этилишидан олдинги хулқ-атвори тўғрисида тегишли умумий ахборот олиш зарур<sup>276</sup>.

Турли жамоаларни ҳаракатга келтирувчи омилардан бўлмиш миш-миш гаплар ҳамда оломон доимо ҳуқуқшунослар, психологлар ва социологлар

<sup>273</sup> Криминология дарслик .Зарипов.С.З. таҳрири остида .Т-2007. 87-бет

<sup>274</sup> Криминология дарслик .Зарипов.С.З. таҳрири остида .Т-2007.108-112-бет

<sup>275</sup> Камышников.А.П.Основы управления в правоохранительных органах.-М,2004.-С.27.

<sup>276</sup> Абдурасулова Қ.Р. Криминология: Дарслик. - Т., 2008. - 307 бет

диққат-эътиборида бўлган. Жамоадан ташқари ахлоқ психологияси ҳақида бир қатор олимлар ўз қарашларини баён этган. Масалан, француз психологи Ле Бон Гюставнинг фикрига кўра, «инсоннинг маълум бир гуруҳ ёки жамоа орасида ўзига бўлган ишончи, иродавий кучининг ортишини ва интеллектуал онгининг сусайишини кузатамиз. Аксарият ҳолларда оломондаги одамда ўз хатти-ҳаракатига нисбатан назоратнинг йўқолганлигини кўриш мумкин»<sup>277</sup>.

Рус олими Ф. Н. Плевако инсонларнинг жамоадан ташқаридаги хатти-ҳаракатларини психологик жиҳатдан таҳлил этган ва умумий хулосага келган. Муаллифнинг фикрича, оломон – катта бир девор, ундаги одамлар эса ушбу девор элементларидир. Оломон орасида бўлиш, ундаги инстинкт белгиларидир<sup>278</sup>. Инсоннинг жамоадан ташқари хатти-ҳаракатлардаги зарур элементлардан бири унда лидернинг мавжудлигидир.

Ҳуқуқбузарларни қайта тиклаш қобилияти ва зарурияти принципи Бмтнинг маҳбусларни даволаш бўйича **minimal standart** қоидаларида (Mandela 2015 қоидалари) мавжуд: ҳукмнинг мақсадларига фақат "агар қамоқ муддати қўлланилса ... бундай шахсларнинг жамиятга реинтеграциясини (қайта ижтимоийлашувини) таъминлаш учун, улар қонунга бўйсунадиган ва мустақил ҳаёт тарзига олиб келиши учун озод қилинганидан кейин". Маҳкумларни қайта тиклаш, жамиятга мақсадли қайтиб келиш жараёни ва жамиятда ҳаёт учун керакли қобилиятларга эга бўлиши ва қонунга бўйсунувчи фуқаро сифатида ўз ўрнини топиш жараёни бўлиб, унда маҳкумларнинг психологик, ташкилий-техник, маиший, коммуникатив-маданий ва норматив-ҳуқуқий хусусиятларининг турли муаммолари (шахсий мақомни тиклаш) ҳал етилади. Инсон ҳуқуқлари бўйича БМТ Конвенциясининг асосий қоидаларида назарда тутилган ҳуқуқларни тиклаш ҳуқуқбузарлик ёки жиноятлардан жабрланганларни қайта тиклашнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади: ҳаётга бўлган ҳуқуқ, муносиб ҳаёт, таълим олиш, меҳнат ва бошқалар. Уларни хорижий мамлакатларда қайта социализация қилиш пенитенциар муассасалар, назорат ва синов хизматлари, турли диний ва жамоат ташкилотлари ва бирлашмалари томонидан амалга оширилади. Пенитенциар муассасалар ўз фаолиятида фуқароларнинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини белгиловчи халқаро норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, шунингдек, жабрланувчиларни даволаш қоидаларига бевосита таъсир кўрсатадиган талаблар билан бошқарилади.

Мамлакатимиз ташқи сиёсатида Марказий Осиё минтақасига устувор аҳамият қаратилмоқда. Чунки Марказий Осиёнинг қоқ марказида жойлашган Ўзбекистон ушбу минтақа барқарорлик, изчил тараққиёт ва яхши кўшничилик ҳудудига айланишидан бевосита манфаатдор. «Тинч-осойишта, иқтисодий

<sup>277</sup> Ле Бон Гюстав. Психология масс и народов. – М., 2000. – С 56.

<sup>278</sup> Плевако Ф.Н. Избранные речи. – М., 1993. – С. 74.

жиҳатдан тараққий этган Марказий Осиё – биз интиладиган энг муҳим мақсад ва асосий вазифадир»<sup>279</sup>.

Турли давлатларда ғариижтимоий хулқ-атворни аниқлаш ва уларнинг ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ташкил этиш турлича йўллар, усуллар билан таъминланади. Ушбу соҳада ҳар бир давлат ўзига хос тажрибага эга бўлиб, уларни ўрганиш ҳамда юртимиз жамоат тартиби ва ҳавфсизлигини таъминлаш тизимига татбиқ этиш бугуннинг долзарб талабларидан биридир, шу блисдан хорижий давлатлар тўплаган тажрибани ўрганиш бу масалага тизимли ёндашувни талаб қилади.

Ҳар бир давлатнинг ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш тартиби бошқа мамлакатларникидан муайян хусусияти билан ажралиб туради. Бу борада ўзига хос тажриба **Россия Федерациясида** тўпланган. Мамлакат Конституциясининг 72-моддасига мувофиқ, қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот, жамоат ҳавфсизлигини таъминлаш, шунингдек жиноятларнинг олдини олиш Россия Федерацияси ва субъектларининг биргаликдаги бошқарувида амалга оширилади. Россия Федерациянинг ҳам полиция тизими куйидаги жиҳатлари билан бошқа хорижий давлатлар полиция тизимларидан фарқ қилади.

Жамоат тартибини сақлаш ва жамоат ҳавфсизлигини таъминлаш, жиноятчиликка қарши курашиш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва бошқа асосий вазифалар билан бир қаторда, коммуникация ва сервис хизматларини кўрсатиш, фуқаролар ишончини қозониш ва улар билан яқин ҳамкорлик қилиш, жамоат тузилмалари фаолиятига кўмаклашиш кабилар ҳам полициянинг муҳим вазифалари ҳисобланади. Жамоатчилик билан мустаҳкам алоқа ўрнатилганлиги полициянинг жамоатчилик назоратида бўлишини таъминлайди.

Полиция тизимида хизмат олиб борадиган ходимларнинг ваколат доираси анча кенг. Масалан, полиция патрулик нарядлари транспорт воситалари ҳайдовчиларига нисбатан йўл ҳаракати қоидаларини бузганлиги учун маъмурий баённомалар расмийлаштириши, гумон қилинувчи шахсларни ҳужжатларини текшириши, шубҳали буюмларни мусодара қилиши ва бошқа ваколатларни амалга ошириши мумкин.

Полиция тизимида департаментлар, махсус тайёргарликдан ўтган ҳолда танланган, замонавий махсус техник воситалар ва ўқотар қуроллар билан жиҳозланган патрулларнинг фаолияти самарали йўлга қўйилган. Юқоридаги Россия Федерацияси тажрибасидан кўриниб турибдики, полиция ходимига кўпгина ваколатлар берилган. Бу эса жиноят ва ҳуқуқбузарликларни олдини олишга хизмат қилади ҳамда криминоген вазиятни зарарсизлантиришга хизмат қилади.

---

<sup>279</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқи // Халқ сўзи. – 2017. – 20 сент.

Ўзбекистондаги таянч пунктларига ўхшаш тузилмалар Россияда “тартибни сақлаш таянч пунктлари” деб номланиб, уларнинг мақсади жамоатчилик асосида фаолият кўрсатувчи ташкилотларнинг фаоллигини ошириш ҳамда давлат органлари билан ҳамкорлигини яхшилашдан иборат. Тартибни сақлаш таянч пунктлари жамоатчилик органи ҳисобланиб, унга кирувчи жамоатчилик тузилмаларининг келишилган ҳолда фаолият Кенгашлар томонидан таъминланади. Россия Федерациясида ички ишлар органлари тизими милициядан полицияга ўзгартирилгандан кейин мамлакатда тартибни сақлаш таянч пунктлари “полиция участка пунктлари” сифатида номлана бошлади.

Полиция участка нозирлиги полиция участка пунктларининг асосий субъектларидан бири бўлиб, уларнинг фаолияти Федерация ИИВнинг 2012 йил 31-декабрдаги буйруғи билан тасдиқланган “Полиция участка нозирларининг фаолиятини ташкил этиш масалалари”га доир буйруқ асосида ташкил этилади. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда полиция участка нозирларининг асосий хизмат вақти маъмурий ҳудудда ўтиши белгиланган бўлиб, улар жамоат бирлашмалари билан ҳамкорликда тадбирлар олиб бориш зарурати туғилганда полиция участка пунктларида фаолият кўрсатадилар. Ўтказилган социологик сўров натижаларига кўра, мамлакат аҳолисининг 70 фоизи ҳудудий яқинлиги ва тезкор ҳаракат қилиш имкониятини инобатга олиб, полиция участка нозирларига мурожаат этишни маъқул кўрадилар.<sup>280</sup>

“Полиция тўғрисида”ги қонуннинг 7-моддасига кўра, полиция участка нозирларини маъмурий ҳудудда хизмат олиб боришга мўлжалланган бино билан таъминлаш, мазкур бинони мебель, тегишли техника ва алоқа воситалари билан таъминлаш федерал бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Россия Федерациясида полиция участка нозирларини лавозимга тайинлаш ва ундан озод этиш туман, шаҳар ички ишлар органи бошлиғи томонидан маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органининг розилиги билан амалга оширилади. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда полиция участка нозирларига, жамоат тартиби ва ҳавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишдан ташқари, яна бир қатор вазифалар юклатилган.

Шунингдек, Россия Полициясининг бир қатор ҳудудий ички ишлар органлари тизимида полиция участка нозирининг ёрдамчиси лавозими мавжуд бўлиб, ушбу лавозимга қабул қилинган ҳар бир ходим туман, шаҳар ички ишлар органи бошлиғининг буйруғи билан муайян полиция участка нозирига бириктирилади ҳамда унинг раҳбарлигида хизмат қилади. Полиция участка нозирининг жиноят ва ҳуқуқбузарлик ишлари юзасидан мустақил процессуал қарор қабул қилишдан ташқари барча ҳуқуқ ва мажбуриятларидан унинг ёрдамчиси ҳам фойдаланишга руҳсат этилади.

<sup>280</sup> Федерация ИИВнинг 2012 йил 31-декабрдаги буйруғи билан тасдиқланган “Полиция участка нозирларининг фаолиятини ташкил этиш масалалари”га доир буйруқ

Европа мамлакатлари орасида ўзига хос тизим **Германияда** қарор топган, хусусан, бу йўналишдаги тизим марказлашмаган бўлиб, ўлкалар ҳуқуқ-тартибот хизматлари махсус тартиб бўйича давлат органларидан фарқланади. Германияда маҳаллий ҳокимият органига раҳбарлик қилувчи шахс ҳудуддаги полиция ташкилотининг ҳам биринчи амалдори ҳисобланади. Бинобарин, айрим ўлкалар полициялари бутунлай ёки қисман давлатга қараса, баъзилари коммунал муассасалар ҳисобланади. Мамлакат жамоат тартибини сақлаш полициясида 160-165 минг нафар ходим хизмат қилади.

Европа мамлакатлари орасида яна бир ўзига хос жиҳатга эга бўлган тизим **Францияда** шаклланган. Франция полицияси бугунги кунда Ички ишлар вазирлиги тизимида бирлашган икки асосий марказий институт - Миллий полиция ва Жандармериядан иборат. Франциянинг тўлиқ маҳаллий бюджет ҳисобидан таъминланадиган муниципал полицияси шаҳарлар ва бошқа аҳоли турар жойларида ғайриижтимоий хулқ-атвори аниқлайди ва унинг профилактикасини амалга оширади.

Осиёда маъмурий ҳудудларда ғайриижтимоий хулқ-автори аниқлаш ва унинг профилактикасини ташкил этиш соҳасида ўзига хос тизимга эга давлатлардан бири **Япония** ҳисобланади. Мамлакатда полиция ташкил этилган 1874 йилдан 1947 йилга қадар бутун бир марказлашган тизим шаклланган бўлса, урушдан кейин 1954 йилда қабул қилинган “Полиция ҳақида”ги қонунга мувофиқ, давлат аппаратида полиция кучларига раҳбарлик ва умумий назоратни амалга ошириш вазифаси тўғридан-тўғри Бош вазирга бўйсунувчи Жамоат ҳавфсизлиги давлат комиссиясига топширилган. **Япония полицияси** ҳуқуқбузарликлар профилактикаси борасида кенг кўламли тажрибага эга бўлиб<sup>281</sup>.

Айниқса, ғайриижтимоий хулқ-авторли вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича реабилитацион ҳимоя марказлари, «Акалар ва опалар», «Ота-оналар ва ўқитувчилар» жамиятлари ҳамда ўзини ўзи бошқариш (мавзелар) кўмиталари вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг тенг ҳуқуқли субъектларидир. Мамлакатда ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш, вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликларининг олдини олишда ўз ўрнига эга бўлган «Акалар ва опалар» жамияти илк марта 1947 йилда **Киото** шаҳрида талабалар томонидан ташкил этилган<sup>282</sup>. Ҳозирги кунда мазкур жамият Япониянинг барча ҳудудидаги юзлаб маҳаллий жамоаларда минглаб аъзолар иштирокида ҳаракат қилади<sup>283</sup>. Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар

<sup>281</sup> Nishimura K. On the Nagasaki Beat: the Art of Community Policing (Look Japan. 1997, March).

<sup>282</sup> Уэда К. Преступность и криминология в современной Японии / Пер. с яп. – М., 1989. – С. 161.

<sup>283</sup> Қаранг: Иншаков С.М. Зарубежная криминология. – М., 1997. – С. 47.

профилактикаси, вояга етмаганлар томонидан жиноятлар содир этилишини олдини олишда полицияга кўмаклашувчи «Ота-оналар ва ўқитувчилар» жамияти бугунги кунда ҳар бир мактабда ўз ўрнига эга. Ушбу жамиятнинг бутун давлат миқёсидаги фаолияти Ота-оналар ва ўқитувчилар жамияти умумияпон кенгаши томонидан мувофиқлаштириб борилади. Ўзини ўзи бошқариш кўмиталари Японияда Иккинчи жаҳон уруши йилларида, ИИВнинг кўрсатмасига мувофиқ, ички ишлар органларининг функцияларини бажарувчи қуйи бўғин сифатида фаолият кўрсатиб келган бўлса, 1952 йилга келиб улар қонунга мувофиқ ўз вазифаларини бажарадиган бўлдилар. Полициянинг ушбу кўмиталар билан ўзаро ҳамкорлиги ҳам катта аҳамиятга эга. Бугунги кунда Япония давлатида полиция тизими шу қадар ривожлаганки, фуқаролар билан ҳар бир полиция ходими ўртасида яхши муносабат йўлга қўйилган. Буларни нималарда кўришимиз мумкин. Мисол учун ҳар бир полиция ходими ўзининг олдида тугма ва бир қанча рангда иплар ва игна олиб юрадилар. Мабодо кўчада кетаётган фуқаронинг кийимидаги тугмаси узилса, полиция ходими ўша фуқаронинг олдида бориб, унинг тугмасини тикиб беради. Бу албатта фуқаролар билан полиция ходими ўртасида яхши муносабат йўлга қўйилганлигидан далолат беради.

**Ақш ва Канададаги** полиция тизими ҳақида сўз кетганда, аввало улдарнинг реабилитация тажрибаси эътиборга молик. 1995-дан 2005-га қадар Ақшда жиноятчилик одатда деярли 30% га камайди. Албатта, тарих учун бу вақт емас, лекин бу йиллар давомида Ақшда жуда кўп ижобий ўзгаришлар юз берди. Улар, албатта, ўтган йиллардаги саъй-ҳаракатларни тўплашди. Жиноятчиликка қарши курашда аниқ ютуқлар ҳақида гапирганда, ҳокимият, полиция, судлар ва қамоқхоналар ўзларининг тараққиётини белгилайди ва уларнинг барчаси қисман тўғри. Ақш Президенти етиб сайланганидан кўп ўтмай Билл Клинтон имзолаган 1994-йилги қонун янгиланишларни бошлаб берди (уни амалга ошириш бўйича чора-тадбирларнинг умумий қиймати 30 миллиарддан ошди) ва унинг миқёси учун Ижтимоий реабилитация ва ижтимоий мослаштириш марказларини ташкил этиш, янги қамоқхоналарни қуриш ва маҳкумларни психологик жиҳатдан ҳаётга қайтариш муаммоларини ҳал қилиш харажатларини сезиларли даражада ошириш; 100 минг полиция сонини кўпайтириш ва унинг техник жиҳозларини ошириш; 60 дан ортиқ federal жиноятларни жиноятлаштириш; жазолаш амалиётини сезиларли даражада қисқартириш ва ҳ.к. Ушбу чора-тадбирларни амалга оширишнинг ижобий таъсири катта молиявий харажатларни оқлади.

Америка Кўшма Штатлари ғайриижтимоий хулқ-атворни аниқлаш ва унинг профилактикасини ташкил этиш бўйича дунёда ўзига хос тизим ва илгор тажрибага эга бўлган давлат хисобланади. АКШда 18789 та маҳаллий полиция участкалари мавжуд бўлиб, уларнинг 13578 таси умумий тартибдаги маҳаллий



полиция бўлинмалари, 3088 таси шерифлар идоралари, 49 таси штатлар бўлинмалари ва колганлари эса махсус юрисдикция бўлинмалари ҳисобланади.

Тергов фаолиятида инсон ҳуқуқлари бузилишининг олдини олиш, гумон қилинувчи ва айбланувчиларга нисбатан зўравонлик ва шафқатсизлик ҳолатларга мутлақо йўл қўйилмаслигини таъминлаш мақсадида 2017 йил 30 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони қабул қилинди. Шу асосда вазирлик Тергов департаментида сўроқ жараёнини стенография қилиш, тергов ҳаракатларини аудио ва видео қайд этиш тизимлари билан жиҳозланган махсус тергов хоналари ташкил этилди.

Эътиборли жиҳати шундаки, ушбу махсус хоналар **Швейцария, Германия, Хитой ва Жанубий Корея давлатлари** тажрибалари асосида замонавий ахборот-коммуникация технологиялари билан жиҳозланган. Бунинг натижасида жиноятдан жабрланган **вояга етмаган шахсларда** гумонланувчилар билан бевосита юзлашиш давомида пайдо бўлиши мумкин бўлган руҳий босимнинг олди олинишига имкон яратилди. Шунингдек, махсус хоналарда процессуал ҳаракатларни масофадан туриб **видеоконференцалоқа** тизимида олиб бориш ишлари йўлга қўйилиб, далилларни тўплаш, мустаҳкамлаш, текшириш ва баҳолашда қонунийлик ва холислик таъминланади. Асосийси, бу жиноят процесси иштирокчиларига нисбатан қийноққа солиш, психологик ва жисмоний таъйиқ ҳамда бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёхуд қадр-қимматни камситувчи муомала қилиш каби ноқонуний усулларни қўллашнинг олдини олишга хизмат қилади<sup>284</sup>.

Шу ўринда айтиш керакки, ҳалқаро тажрибадан дунёнинг кўпгина мамлакатларида жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашда фуқароларнинг имкониятидан фойдаланиш ижобий натижа бераётганлигини кузатиш мумкин. Масалан, жиноятчиликка қарши самарали курашиш мақсадида Шотдландия ва Швецияда фуқаролардан ташкил этилган «штатсиз ходим», Исроилда эса кўнгиллилар фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, уларнинг хизмати олиб боришлари мазкур давлатларнинг қонун ва қонуности норматив ҳужжатлари билан тартибга солинган, Германия давлатида эса фуқароларнинг ҳуқуқий онги шунчалик даражада ривожланганки, кўчаларда фуқаролар дўконларда нарсалар сотишда ўғирлик жиноятлари содир этилмайди, ҳеч ким талон-тарож ҳам қилмайди. Туркия давлатида бир неча шаҳарларида эса полиция хизмати фуқаролардан жиноятчиликка қарши курашда, ҳуқуқбузарликларни олдини

<sup>284</sup> Пўлат Бобожонов: Халқ давлатдан рози бўлиши кўп жиҳатдан фидойилигимизга боғлиқ ва биз бу мақсадга албатта эришамиз. <http://www.pv.uz/uzk/zhamiyat/pulat-bobozhonov-halk-davlatdan-rozi-bulishi-kup-zhikhatdan-fidoyiligimizga-boglik-va-biz>. 18 02 2018.

олишда ва бошқа ҳодисалардан хабардор бўлиш мақсадида кўчаларда сигналлар ўрнатилган, улар жиноят ёки бошқа хабарларини полицияга хабар бериб туради, бу айниқса шаҳарларда криминоген вазиятни бартараф этишга имкон беради.

АҚШ, Исроил каби ривожланган давлатларнинг илғор тажрибаларини чуқур ўрганган ҳолда, қўни-қўшнилари мулкларининг дахлсизлигини таъминлаш, оилавий-маиший муаммоларига барҳам бериш ва ўзи яшаётган жойда хавфсиз ҳудуд барпо этилишида ҳисса қўшиш бўйича ички ишлар органлари билан ҳамкорлик қилиш ва зарур хабарларни бериш билан шуғулланувчи **«Огоҳ қўшни» жамоатчилик тузилмаси**ни ташкил этиш, ҳар бир маҳаллада юзга яқин бундай жамоатчилик тузилмаси фаолиятини йўлга қўйиш таклиф этилади. Бизнинг мамлакатимизда ҳам жамоатчилик масканларининг ташкил этилиши орқали ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг жилловини сезиларли даражада қўлга олдик. Бундай масканларнинг юртимизда фаолиятини тўғри ташкил этсак, албатта, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчилик кўрсаткичларини анча даражада камайтиришга эришамиз.

Хорижий давлатлар ички ишлар органлари ғайриижтимоий хулқ-атворни аниқлаш ва профилактикасини ташкил этишда бир қатор усуллардан фойдаланадилар.

**Патруллик қилиш** бу борадаги асосий усуллардан бири бўлиб, ички ишлар органлари ходимининг айрим маҳаллий яшовчилар билан тўсатдан учрашиб қолиши эмас, балки маъмурий ҳудуддаги жамиятнинг барча бўғинлари билан фаол алоқада бўлиш, намунали ўзаро муносабат ўрнатиш ва маслаҳатлар бериш ҳақида амалий келишувлар тузишга қаратилган режали тадбирларни назарда тутати<sup>28</sup>. Кўплаб давлатлар ички ишлар органлари шахсий таркибининг 60-75 фоизини патруллик хизматлари ташкил этиши ҳам фаолиятнинг ушбу турига бўлган катта эътибордан далолатдир.

Патруллик қилиш ҳудуд ва жиноятчиликнинг интенсивлиги даражасини инобатга олган ҳолда ошкора ва ноошкора йўллар билан ҳуқуқ-тартиботга қарши тайёрланаётган ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларнинг олдини олишга қаратилган тезкор, мақсадга йўналтирилган фаолият бўлиб, жиноятчига қарши жамият ҳимоясининг биринчи чизиғидир. Патруллик нарядлари хизмат фаолияти мобайнида ҳуқуқбузарликларнинг олдини оладилар, яширинган жиноятчиларни қидириб топишда иштирок этадилар, бошқа тармоқ хизматлари учун керакли маълумотларни тўплайдилар ҳамда турли фавқулодда вазиятларда фуқароларга ёрдам кўрсатадилар.

#### **ХУЛОСА**

Хорижий давлатларда кенг қўлланиладиган усуллардан яна бири **“муаммони ҳал қилиш”** бўлиб, у полиция томонидан қўлланиладиган замонавий усулларни ўз ичига олган янги иш усули ҳисобланади<sup>29</sup>. Эътибор берсак, полициянинг анъанавий иш усули ҳуқуқбузар ёки жиноятчининг

шахсини аниқлаш ва уларни жазолашга қаратилган. Бироқ, ишга бундай ёндашиш ҳамма вақт ҳам кутилган натижани беравермайди. Муаммони ҳал қилишда полиция жамиятда ҳуқуқбузарлик ёки жиноят содир этилишига олиб келадиган муаммо ва сабабларни ўрганади ҳамда уларни бартараф қилиш чораларини кўради. Қолаверса, мазкур усул жиноятга мойил шахсларнинг жинойий йўлни танлашига сабаб бўладиган, ҳаётдаги мавжуд муаммоларни аниқлаш ҳамда бартараф этишни назарда тутаяди ва кенг жамоатчилик ёрдамига таянади.

Юқоридаги илмий таҳлиллар ички ишлар органларини бошқаришнинг полиция тизими қарор топган мамлакатларда ғайриижтимоий хулқ-атворни аниқлаш ва унинг профилактикасини ташкил этишдаги шакл ва усуллари ўзига хос ўринга эга эканлиги яққол кўрсатади.

Ўзбекистон ички ишлар органлари фаолиятида турли ҳуқуқбузарлик ёки жиноятларни аниқлаш ва содир этилишини олдини олиш, жиноятчиларни қидириб топиш, ҳуқуқбузар ва жиноятчиларни жазолаш, жабрланганларни ижтимоий реабилитация ва ижтимоий мослаштириш чора-тадбирларини илғор хориж тажрибаси билан ҳамкорликда амалга оширади.

#### **ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

1. Криминология. Дарслик (З.С.Зарипов умумий таҳрири остида) -Т., 2007, 430-431 бет.
2. Ички ишлар органлари профилактик фаолияти: Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти мутахассислиги учун: Маърузалар курси / А.С.Турсунов, И.Исмаилов, И.Ю.Фозилов, Б.Ф.Алимов, З.А.Амиров, С.Б.Хўжақулов, Қ.А.Саитқулов, Ш.Р.Ғофуров; Масъул муҳаррир Б. А. Матлюбов — Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2018.
3. З.Я.Бабакаланов, И.Исмаилов, О.Т.Ахмедов. “Профилактика инспекторлари фаолиятини ташкил этиш асослари”. Ўқув-методик қўлланма., ИИВ Академияси., Т.:2001., 45-56 бет.
4. ИИВ Академияси. “Харакатлар стратегияси асосида ИИО тизимидаги ислохотлар биринчи босқич яқунлари ва ислохотлари” Х.Ў.Мухамедов. 2018й.
5. Исмаилов И. Криминология. Умумий қисм: ИИВ олий таълим муассасалари учун дарслик/И. Исмаилов, Қ. Р. Абдурасулова, И. Ю. Фазилов; Масъул муҳаррир Ш.Т. Икрамов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. – 272 бет.
6. *Зарипов З.С., Исмаилов И.* Криминология. – Т., 1996 –130-бет.
7. *Аванесов Г. А.* Криминология и социальная профилактика. – М., 1999. – С. 226–230 бет.

8. *Антоян Ю. М.* Преступность и психические аномалии. – М., 1990. – С. 67 бет.
9. Криминология: Дарслик / Проф. З.С.Зариповнинг умумий тахрири остида. – Т., 2007. – 91-бет.
10. Криминология дарслик. Зарипов.С.З. тахрири остида. Т-2007.
11. Камишников.А.П.Основы управления в правоохранительных органах.- М,2004.-С.27.
12. **Абдурасулова Қ.Р.** Криминология: Дарслик. - Т., 2008. - 307 бет.
13. Ле Бон Гюстав. Психология масс и народов. – М., 2000. – С 56.
14. Плевако Ф.Н. Избранные речи. – М., 1993. – С. 74.
15. Иншаков С.М. Зарубежная криминология. – М., 1997. – С. 47.
16. Nishimura K. On the Nagasaki Beat: the Art of Community Policing (Look Japаn. 1997, March).
17. Уэда К. Преступность и криминология в современной Японии / Пер. с яп. – М., 1989. – С. 161.